# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 20 апрель, № 79 (7037) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ




## Бухоро вилоятида 19 апрель куни Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш имконини берадиган бой углеводород захираларига эга. Ҳисоб-китобларга кўра, Марказий Осиёдаги барча минерал захираларнинг учдан бир қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Мамлакатимиз газ қазиб чиқариш бўйича дунёнинг дастлабки йигирматалигига киради.

Бугунги кунда Ўзбекистон нефть-газ саноати нафақат ер ости бойликларини қазиб олиш, балки қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи мажмуалар тизимига айланди. Бу тармоқда саноат юксак даражада ривожланиб, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича қатор йирик корхоналарни бирлаштирди.

Ҳозирги босқичда тармоқнинг асосий иқтисодий йўналишларидан бири углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва ундан қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш ҳисобланади. Бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш учун мамлакатимизга нефть ва газ қазиб чиқаришда етакчи бўлган қатор йирик чет эл компаниялари жалб этилмоқда. Россиянинг "Лукойл" нефть компанияси билан ҳамкорликда "Қандим — Хавузак — Шоди — Қунғирот" маҳсулот тақсимоти битими доирасида бунёд этилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси улардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси муддатидан 8 ой аввал қуриб битказилди. Бундан роппа-роса икки йил илгари 2016 йил 19 апрелда Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтган эди. Мажмуа ва инфратузилма объектларини барпо этишда 10 мингга яқин ишчи-мутахассислар қатнашди. Корхона фойдаланишга топширилиши билан 2 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратилди.

Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси таркибига газ қазиб олиш ва йиғиш тизими, иккита газни қайта ишлаш технологик тармоғи, маҳсулотларни ортиш ва ташиш учун терминаллар, магистрал газ қувури орқали табиий газни экспорт қилиш ҳамда муҳандислик ва энергоресурслар билан таъминлаш қурилмалари киради. Бу ерга газ иккита табиий газ йиғиш пунктига бирлаштирилган 114 қудуқдан келади.

Мажмуанинг ишга туширилишига бағишланган маросимда Россия Федерацияси энергетика вазири Александр Новак, "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперов, дипломатик корпус, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, завод ишчи-муҳандислари, ёшлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар саноатнинг етакчи йўналишларини изчил ривожлантиришга хизмат қилаётгани самарасида ёқилғи-энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар фаол жалб этилаётганини таъкидлади. Хусусан, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси Ўзбекистон билан Россия ҳамкорлиги барча соҳаларда жадал ривожланиб бораётганининг ёрқин намунаси эканини қайд этди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг табригини ушбу мамлакатнинг энергетика вазири Александр Новак ўқиб эшиттирди.

"Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперов, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси муҳандиси Шаҳзод Қурбонов, нефть-газ соҳаси фахрийси Комил Фозилов ушбу сана мамлакатимиз учун тарихий кун экани, чўлдаги мўъжизага айланган мазкур мажмуа Ўзбекистонда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилаётган ислоҳотларнинг натижаси эканини таъкидлади.

Шундан сўнг Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

— Биз бугун жуда муҳим воқеа гувоҳи бўлдик, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Мен икки йил аввал мана шу мажмуа пойдеворига тамал тоши қўйилган кунни мамнуният билан эслайман. Қандим лойиҳаси Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Қандим мажмуаси Ўзбекистонга фақат табиий хом ашё билан чекланиб қолмай, уни чуқур қайта ишлаш борасида ҳам катта имконият яратади.

— Мазкур улкан саноат корхонаси Ўзбекистон, Россия ва Корея Республикаси муваффақиятли ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир, — деди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ёнг У. — Қандим мажмуаси Ўзбекистонда газдан унумли фойдаланиш, уни экспорт қилиш кўрсаткичларини оширишга салмоқли ҳисса қўшади. Ўйлайманки, муваффақиятли амалга оширилган ушбу лойиҳа бошқа соҳаларни модернизация қилиш ва ривожлантириш жараёнида кореялик инвесторларнинг иштироки ортишига катта туртки беради.

Хулоса қилиб айтганда, Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг ишга туширилиши Ўзбекистонда газ конларини ўзлаштиришда янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлган нефть-газ соҳаси ривожи мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада ошишида муҳим омил бўлади.

Давлатимиз раҳбари мажмуанинг технологик жараёнини кўздан кечирди. Лаборатория ва марказий бошқарув пультида бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бухорога ташрифи давомида вилоят ва туманлар ҳокимлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, мутасаддилар билан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16-17 февраль кунлари вилоятга ташрифи асносида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚАНДИМ ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАЖМУАСИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилаётган бугунги тантанали маросимда қутлаб, ушбу муҳим воқеа билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Биринчи навбатда, Россия Федерацияси Президенти ҳурматли Владимир Владимирович Путинга Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига доимо аҳамият бериб, катта эътибор қаратиб келаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Ана шундай муҳим қўллаб-қувватлаш туфайли бундай кенг кўламли лойиҳа атиги икки йилда амалга оширилди.

Қандим мажмуасининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз фаровонлигига ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Ҳукумати ва Россия Федерацияси энергетика вазири жаноб Александр Валентинович Новак, "Лукойл" компанияси бошқаруви раиси жаноб Вагит Юсуфович Алекперов, "Хундай Инжиниринг" компанияси президенти жаноб Сонг Санг Рок, Россия Федерацияси ва Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиларига ва бошқа ҳамкорларимиз, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбирда иштирок этаётгани учун ўзимнинг ташаккуримни изҳор этаман.

Қадрли меҳмонлар!

Биз Ўзбекистонда қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг самарали ва кенг миқёсда амалга оширилаётгани саноатнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими кўпаймоқда, хорижий шериклар билан барча тармоқлар, жумладан, ёқилғи-энергетика мажмуаси бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз кенгаймоқда.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш борасида сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида биз нефть-газ саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда тармоқда амалдаги активлар самарадорлигини ошириш, юқори технологияларга асосланган қудратли ишлаб чиқариш базасини яратиш, углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, уни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган янги турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини ташкил этишга қаратилган сиёсат изчил амалга оширилмоқда.

Катта ҳажмдаги инвестиция портфели ва бой хом ашё базаси бизга, энг илғор билимлар ва ғоят самарали технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратган ҳолда, соҳани комплекс ривожлантиришга ўтиш имконини берди.

Ҳурматли дўстлар!

Биз Ўзбекистонда ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, икки томон учун ҳам фойдали ва умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида шаклланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Бизнинг олий даражадаги учрашувларимиз натижасида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг кўп қиррали амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун ғоят кенг имкониятлар яратди ва уни янги босқичга кўтарди.

Россия бизнинг савдо ва инвестиция соҳасидаги энг йирик анъанавий ҳамкоримиздир. Ҳозирги кунда ўзаро савдо ҳажми муттасил ортиб бормоқда, биргаликда устувор аҳамиятга молик инвестициявий дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Россиянинг етакчи энергетика компаниялари ва банклари билан шерикликда ҳамкорлигимизнинг локомотивига айланган нефть-газ соҳасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз.

Табиий газ ва нефть етказиб бериш бўйича келишувлар муваффақиятли бажарилмоқда, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ўзаро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бизнинг вақт ва ҳаёт синовидан ўтган асосий, стратегик ҳамкоримиз — энергетика соҳасида дунёда етакчи ўрин тутадиган "Лукойл" компаниясидир.

Биз кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Қандим гуруҳига кирадиган конлар, Ҳавузак ва Шоди, Жануби-ғарбий Ҳисор конларини қазиш ва ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширганимиз бунинг ёрқин мисолидир.

Ўтган ойда Ўзбекистонда "Лукойл" компаниясининг биринчи ёқилғи қуйиш шохобчаси ишга туширилди.

Бу бизнинг шериклигимиз самарасининг яққол мисоли бўлиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз, аввваламбор, мамлакатимизнинг табиий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланишга, юқори технологияларга асосланган ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бундан роппа-роса икки йил аввал, 19 апрель куни биз сиз билан ушбу объект тамал тошини қўйишга бағишланган маросимда иштирок этиб, мазкур лойиҳа қурилиши бошланишига старт берган эдик.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва мутахассисларнинг юксак маҳорати туфайли Марказий Осиёдаги энг йирик иншоотлардан бири бўлган мазкур мажмуа қисқа муддатда қуриб битказилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард доллардан ошганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Қурилиш "Хундай Инжиниринг", "Поско" ва "Джи-Эс", "Энтер Инжиниринг" каби дунёга машҳур компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Бунда "БАСФ", "Якобс", "Ханивелл" ва бошқа кўплаб хорижий етакчи компанияларнинг илғор технологиялари, илмий ишланмалари татбиқ этилди. Мазкур қурилишга юқори малакали хорижий мутахассислар ҳам жалб қилинди.

Сизларнинг барчангизга ушбу кенг кўламли лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қўшган ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу лойиҳанинг аҳамияти бебаҳо эканини таъкидлаш ўринлидир.

Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши йилига 8 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газ қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, тозаланган товарбоп газ ҳамда 130 минг тоннадан зиёд барқарор газ конденсатини олиш имконини беради.

Энг муҳими, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари, замонавий ижтимоий инфратузилма тармоқлари яратилди.

Бу борада мажмуа қурилишида иштирок этган минглаб ёш мутахассислар илғор технологик ечимлар ва юқори халқаро сифат стандартлари асосида энг йирик ишлаб чиқариш объектларини жадал қуриш бўйича замонавий усулларни ўзлаштиргани, бу ерда орттирган кўникма ва тажрибасини келгусида мамлакатимизда янги лойиҳаларни амалга оширишда қўллаш имконига эга бўлгани муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурматли меҳмонлар ва маросим қатнашчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг дўстларимиз ва ҳамкорларимизга, кўп сонли мутахассислар, муҳандис ва қурувчиларга, ўзининг фидокорона меҳнати ва касб маҳорати билан ушбу замонавий саноат мажмуасини барпо этишга ҳисса қўшган барча инсонларга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бугун ишга туширилаётган, ўзининг кўлами ва технологиялари бўйича ноёб бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси бизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз ва шериклигимизнинг яна бир тимсолига айланади, мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб вилоятдаги тўрт сектор раҳбарлари, ташкилот ва идоралар масъуллари билан мулоқот қилди. Унда Президентимизнинг жорий йил 2 март куни вилоятга ташрифи чоғида белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди. Вилоят ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Шавкат Мирзиёев "Навоийазот" акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

"Навоийазот" акциядорлик жамияти 1964 йилда ишга туширилган. Корхонада қишлоқ хўжалиги, нефть-газ тармоғи, энергетика ва тоғ-кон саноати эҳтиёжи учун 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Вақт ўтиши билан технологик ускуна ҳамда қурилмалар жисмонан ва маънан эскирди. Кўп миқдорда электр энергияси ва бошқа табиий ресурсларни сарф қилиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Яъни фойдали иш коэффициенти бугунги даврга умуман мос келмай қолди. Бу жиҳатлар эътиборга олиниб, корхонада босқичма-босқич модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, жамият ҳудудида учта йирик инвестицион лойиҳа — Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш ҳамда Азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши қизғин давом этмоқда. Ушбу корхоналарга замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилади.

Президентимиз янги объектлардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошади. Қурилиш ишларини Хитойнинг "China CAMC Engineering CO. LTD" ва "HQC (Shanghai)" компаниялари консорсиуми ҳамда юртимиз мутахассислари амалга оширмоқда.

Корхона фойдаланишга топширилгач, йилига импорт ўрнини босувчи 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол тайёрланади. 900 дан ортиқ иш ўринлари яратилади. Маҳсулотнинг 50 фоиздан зиёдини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Қурилиш ишларида 197 замонавий техника, 1280 ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонани малакали ходимлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу ерга ўрнатиладиган замонавий ускуналарни бошқариш учун мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида муҳандис-технолог, механик, энергетик, иқтисодчи ва дастурчилар тайёрланаяпти. Ишчиларнинг асосий қисми Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари бу каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ҳақида тўхталиб, қурилиш ишларини тез ва сифатли якунлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятининг мавжуд энергия сарфи юқори бўлган аммиак ишлаб чиқариш 1, 2-навбатларини эксплуатациядан чиқариш кўзда тутилган. Хусусан, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 985 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари якунлангач, бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак, шунингдек, 577,5 минг тонна карбамид олиш, улардан тайёрланадиган минерал ўғитлар турини ошириш имконияти пайдо бўлади. 500 га яқин иш ўринлари яратилади.

Япониялик ҳамкорлар ("Mitsubishi Heavy Industries, Ltd", "Mitsubishi Corporation" компаниялари) билан биргаликда барпо этилаётган мажмуани 2020 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Акциядорлик жамиятининг азот ишлаб чиқариш бўйича эски 1, 2-навбатлари ҳам эксплуатациядан чиқарилмоқда. Яъни келаси йили яна бир лойиҳа — Азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишини ниҳоясига етказиш режалаштирилган. Техник иқтисодий асосларга мувофиқ умумий қиймати 216,6 миллион долларга тенг ушбу ишлаб чиқариш объекти Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси томонидан бунёд этилмоқда. Бу ерда йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлади, 122 та иш ўрни яратилади.

Бу каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қиладиган тажрибали муҳандис ва ишчи-ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Керак бўлса, уларни хориждаги корхоналарга жўнатиб, тажриба алмашиш ва малака оширишини йўлга қўйишимиз лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

*Маълумки, Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми давлат харидлари орқали амалга оширилади. Мазкур жараённинг очиқ, шаффоф, адолатли ва албатта, коррупцияга йўл қўймаган ҳолда ўтказилиши бюджет маблағларининг оқилона сарфланишига хизмат қилади. Бунда, энг аввало, ҳуқуқий асоснинг тўлиқлиги муҳим аҳамият касб этиши табиий. Президентимиз томонидан имзоланган "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда давлат харидларини амалга ошириш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий базани ягона ҳужжат доирасида умумлаштиради, уни тизимли равишда тартибга солади.*



**ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

# Давлат харидларининг шаффоф тизими

Таъкидлаш жоизки, амалдаги меъёрий ҳужжатларда ҳуқуқий асос аниқ, уйғун, тўлиқ ифодаланмагани ёки мувофиқлаштирилмагани, кўпгина қарама-қаршиликлар борлиги кўзга ташланади. Давлат харидларига доир қонунчиликдаги бу каби камчиликлар натижасида тизимда давлат харидларининг тежамлилиги, самарадорлиги ҳамда шаффофлиги, инсофли етказиб берувчилар учун давлат харидлари бозорининг жозибадорлиги ва рақобатлилиги таъминланмаган, барча иштирокчига нисбатан тенг ҳамда холисона муносабатда бўлинмаган.

Шу ўринда Қонун қабул қилиниши билан жамиятда қандай ўзгаришлар содир бўлади, деган ҳақли савол туғилади.

Аввалямбор, давлат харидларини амалга ошириш жараёни ягона ҳуқуқий ҳужжат — қонун асосида тартибга солиниши давлат харидлари иштирокчиларининг ишончини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ушбу соҳада махсус ваколатли органни белгилаш орқали давлат харидларини рўёбга чиқариш жараёнини тўлиқ назорат этиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш имконияти яратилади.

Қонунда бюджет маблағларининг мақсадли ҳамда тўғри сарфланишини назорат этиш, давлат харидлари иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган қилиб белгиланди ва унга бу борада қатор ваколатлар тақдим этилди.

Мазкур ҳужжатда давлат буюртмачилари икки турга бўлиниб, уларнинг тушунчаси очиб берилган. Булар бюджет буюртмачилари ҳамда корпоратив буюртмачилардир. Биринчисининг таркибига давлат органлари, бюджет ташкилотлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун юбориладиган бюджет маблағларини олувчилар, корпоратив буюртмачилар таркибига эса давлат корхоналари, устав фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, таъсисчилар таркибида устав фонди 50 фоиз ҳамда ундан ортиқ қисмини ташкил қилувчи юридик шахсларнинг давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ қисми ташкил этган юридик шахслар киритилган.

Бундан ташқари, Қонунда давлат харидларини режалаштириш, унинг тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш ҳамда ижро қилиш, давлат харидлари мониторинги каби босқичларининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ушбу Қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш учун ҳаволаки нормалардан фойдаланмаслик мақсадида электрон дўкон, танлов, тендер ва аукцион ўтказишнинг тартиб-таомиллари белгилаб берилган.

Айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан давлат харидларининг ўзига хос тизимини яратишга эришилади. Унинг қоидалари бюджет маблағлари ҳамда бошқа марказлашган манбалар, шунингдек, ҳукумат кафолати билан кредит ресурсларидан максимал даражада самарали фойдаланишга олиб келади. Давлат сектори оқилона муддатларда керакли миқдорда зарур товар, ишлар ҳамда хизматлар билан таъминланади. Давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизми йўлга қўйилади. Ушбу жараёнда тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очилиб, коррупциянинг олдини олиш имконияти яратилади.

**Шуҳрат ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Бандлик соҳасида ноқонуний ҳолатларга чек қўйилади

*Рекрутинг ўзи нима? Ушбу фаолиятдан кимлар фойдаланади? Фуқаролар бандлигини кафолатлашда унинг қандай ўрни бор? Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган мажлисида "Рекрутинг фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг биринчи ўқишда қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йилдаги "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури, шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатнинг аҳамияти, уни қабул қилишнинг ҳаётий зарурати ҳамда долзарблиги ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда ХЎЖАЕВА мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.*

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА**

— Аҳолини иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда кўплаб лойиҳалар асосида замонавий корхоналар, янги объектлар очилмоқда. Ўз ўрнида малакали ходимлар ҳамда мутахассисларга эҳтиёж ортаяпти, иш ўринлари кўпаймоқда.

Аммо "Бу бизни қаноатлантираяптими?" деган табиий савол туғилади. Албатта, йўқ. Негаки, ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси 32,7 миллион кишига етди. Аниқ далилларга эътибор қаратадиган бўлсак, шундан 19 миллион нафар фуқаро иқтисодий фаол, 1,4 миллиондан ортиғи эса меҳнат фаолиятини республика ҳудудидан ташқарида амалга оширмоқда. Шу билан бирга, ҳар йили қарийб ярим миллион ёшлар илк бор меҳнат бозорига кириб келмоқда. Ишга жойлашишга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган фуқаролар сони эса 765 минг нафарни ташкил этаётир.

Биз, депутатлар ҳудудларда бўлганимизда аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларнинг аксарияти бандлик масаласида эканлигига кўп маротаба гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан айтганда, "Рекрутинг фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасида аҳоли бандлигини ҳал этишнинг аниқ вазифалари белгиланаяпти. Унга кўра, иш қидирувчи фуқаро мақбул иш жойларни топиш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган тижорат ташкилотининг воситачилигидан фойдаланиб, ўз бандлигини республика ҳудудида ёки ундан ташқарида таъминлаш ҳуқуқига эга бўлаётир.

Рекрутинг фаолияти хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, у иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш ҳамда иш берувчилар учун кадрлар танлаш билан боғлиқ рекрутинг хизматларини шартнома асосида кўрсатиш бўйича юридик шахс (рекрутинг агентликлари)нинг тадбиркорлик фаолиятидир. Рекрутинг агентлиги эса ушбу хизматларни кўрсатувчи рўйхатдан ўтган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Ҳозирги кунда хусусий ташкилотлар томонидан фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган фаолият қонунчилик билан тартибга солинмаган. Бу эса мазкур йўналишда айрим чалкашликларни келтириб чиқараётган эди. Айтиш мумкинки, бу борада аниқ ҳуқуқий механизмни йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Бинобарин, кўп давлатларда меҳнат бозорида рекрутинг агентликлари тезликда ривожланаяпти. Улар кўп соҳаларда бандлик билан боғлиқ бўлган хизматларни таклиф этмоқдалар ва қарийб етмиш фоиз ҳолатда ишга жойлаштириш ёки иш берувчиларга ўзига зарур бўлган ходимларни топиб беришга эришмоқдалар. Шу жумладан, ташқи меҳнат миграцияси каналлари бўйича ҳам ишлар жадаллашаётир.

Юқоридаги қонун лойиҳасида рекрутинг агентликлари ишининг асосий турлари белгиланаётгани ҳамда ушбу фаолиятни тартибга солувчи нормалар алоҳида моддаларда баён қилинаётгани эътиборга молик. Шунингдек, унда рекрутинг агентликлари ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқлаштирувчи нормалар алоҳида бобда назарда тутилаяпти.

Айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳаси муҳокамасига кенг жамоатчилик, экспертлар, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари олинаяпти. Айтиш мумкинки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши, энг аввало, меҳнат бозорига мослашувни ривожлантиришга ҳамда чет элларда меҳнат фаолиятини норасмий амалга ошираётган фуқароларимизнинг кафолатланган бандлигини таъминлашга кўмаклашади. Шу билан бирга, айрим ноқонуний фаолиятларга чек қўйиб, одам савдосининг олдини олишга хизмат қилади.

**Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.**

# Тадбиркорлик учун кенг имкониятлар эшиги очилмоқда

*Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида комплекс тарзда институционал ва таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббусларни қўллаб-қувватлаш йўналишларида изчил ишлар қилинаяпти.*

**СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ**

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлиги ҳамда натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш — 2018" ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталикка киритилгани бунинг яққол далилидир.

Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Аввало, соҳада қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, жорий этилаётган янгиликлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бугун тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолаётгани, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ошириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ҳамда инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолаётгани, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашгани, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суст даражада экани, тадбиркорлар ҳанузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ҳамда рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашаётгани тараққиётимизга тушов бўлмоқда, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармонига биноан, 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини бирлаштириш, ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини қисқартириш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан тегишли давлат органларига ўтказиш, лицензия ҳамда рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш функциясини республика давлат бошқаруви органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман (шаҳар) ҳокимликларига ўтказиш каби чоралар белгилангани бу борада катта янгилик бўлди.

Фармон билан лицензияловчи орган масъулияти ҳам аниқ белгиланган бўлиб, агар мазкур орган аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, лицензия даъвогари кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аризада қайд этилган фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномаси олинганидан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши шартлиги аниқ белгиланган.

Юқоридаги тартибларнинг жорий қилиниши мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янги фаолиятларини бошлашларида кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз. Биз, сенаторлар ушбу янги тартиб-таомилларнинг ҳаётга самарали, бекаму кўст татбиқ этилиши устидан парламент назоратини ўрнатишимиз давлатимиз тараққиёти, иқтисодиётимиз локомотиви бўлган тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

Ҳайдар Али ЙИЛДИЗ:

# «Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан барчамиз мамнунмиз»

Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик турли соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, парламентлараро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида амалий мулоқотлар фаоллашаётир. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил октябрь ойида Туркия Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар муҳим асос бўлмоқда.

Махсус мухбиримиз Туркияга ижодий сафари давомида мазкур мамлакат парламенти — Туркия Буюк миллат мажлисида "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Ҳайдар Али Йилдиз билан учрашиб, шу мавзуда суҳбатлашди. Қуйида мазкур интервью эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.



**Эксклюзив интервью**

*— 2017 йил Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида туб бурилиш йили бўлди. Буни икки давлат парламентлари ўртасида илк бор мулоқот йўлга қўйилганидан ҳам билиш мумкин. Парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳақида нималар дея оласиз?*

— Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилишига катта туртки берган муҳим воқеалар хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Айтиш жоизки, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг 2016 йил ноябрь ойида Самарқандга ташрифи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кунлари Туркияга давлат ташрифи икки қардош халқнинг дўстона алоқалари, ҳамкорлиги кучайиши учун қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

Муносабатларимизнинг жадал суръатда мустаҳкамланиб бораётганини бир неча ҳаётий мисоллар орқали кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда фаолиятини йўлга қўяётган турк фирма ва компаниялари сони ортаётгани, ўз навбатида, Туркияда бизнес фаолиятини бошлаш, ривожлантириш учун ташриф буюраётган ишбилармонлар сафи кенгаяётгани, жорий йилнинг 10 февралидан эътиборан, туркиялик туристларга Ўзбекистонда 30 кунгача визасиз бўлишга рухсат берилгани, "Turkish Airlines" авиакомпанияси Истанбулдан Самарқандга тўғридан-тўғри қатновни йўлга қўйгани — буларнинг барчаси кишига катта қувонч бағишлайди. Хоҳ у сиёсий, савдо-иқтисодий, туризм ёки маданий соҳада бўлсин, икки давлатни бир-бирига яқинлаштиради.

Ўзбек ва турк халқлари анъана ва қадриятлари жуда яқин, ўхшаш бўлган халқлардир. Яқинда Ўзбекистонга ташрифим чоғида бунга яна бир карра амин бўлдим. Яъни юртингизда ўзимизни сира бегоналардек ҳис этмадик. Ишончим комилки, ўзбек қардошларимиз ҳам Туркияда худди шундай ҳис-туйғуларни бошдан кечиришади.

Саволингизга келадиган бўлсак, мен "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси сифатида ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ривожлантирилиши учун масъулман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюриши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия парламенти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолангани, парламентлар вакилларининг ўзаро борди-келдиси фаоллашаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, биз март ойида Ўзбекистонга борган бўлсак, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай юртингиздан депутатлар ташриф буюришди. Улар Туркия Буюк миллат мажлисида қонун ижодкорлиги, қўмиталар фаолияти, шунингдек, парламентимизнинг технологик имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди. Бу мулоқотлар кучаяётганини ифодалайди.

*— Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кенгайиб бораётганини Туркия парламенти вакиллари қандай кутиб олишмоқда?*

— Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюрганида унга парламентимиз Спикери ҳамроҳлик қилди. У Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида парламент ролини ошириш борасидаги ислоҳотларни юқори баҳолади. Албатта, мамлакатингиз билан муносабатлар юксак босқичга кўтарилиб бораётганидан депутатларимиз жуда мамнун.

Такрор бўлса-да, айтиш мумкинки, Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи жуда катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бу икки мамлакат раҳбарининг шунчаки кўришишигина эмас, балки азалий дўст, қадрдон бўлган икки буюк халқнинг келажакка биргаликда қараши эди.

*— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳининг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") имзоланди. Ушбу учрашув якунлари ҳақида гапириб берсангиз.*

— Ана шу мажлис жудаям самарали кечди, деб айта оламан. Расмиятчиликдан холи ҳолда ифодалайдиган бўлсам, узоқ йиллардан бери кўришмаган ака-укадек бир-биримизни бағримизга босиб дийдорлашдик, меҳримизга тўйдик. Бу таърифлаш қийин бўлган ҳаяжонли онлар эди.

"Йўл харитаси"да тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Унинг дастлабки босқичида Туркия Буюк миллат мажлисига Ўзбекистон вакилларининг ташрифи кўзда тутилганди ва бу рўёбга чиқди. Энди жорий йилнинг сентябрь ойида Туркия Буюк миллат мажлиси Спикерининг Ўзбекистонга сафари режалаштирилган.

Эътиборимизда бўлиб турган яна бир масала, бу — Туркия ва Ўзбекистон ўртасида биродарлашган шаҳарларни йўлга қўйишдир. Юртингизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби бетакрор кентлари бор. Уларнинг қай бири билан Туркиядаги қайси шаҳар биродарлашган шаҳар бўлади? Шу ҳақда ҳозир икки томон вакиллари қизғин иш олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон парламенти делегациясининг Туркияга ташрифи кўзда тутилган. Ўшанда биз "Йўл харитаси" асосида яна қандай ишларни амалга оширишимиз мумкинлигини муҳокама этамиз. Буларнинг барчаси келгусида ҳар икки давлат парламентларининг равнақи учун хизмат қилади.

*— Туркия парламенти делегацияси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар, бизнесменлар билан учрашув ўтказди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг яна қандай имкониятлари бор, деб биласиз?*

— Биз учрашувларимиз давомида икки давлат ўртасида қайси соҳаларда бизнес фаолиятини ривожлантиришимиз мумкинлиги, тадбиркорларга ҳар икки мамлакатда инвестиция киритиш борасида қандай имкониятлар яратилгани ҳақида мулоқот қилдик. Айниқса, туризм, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар хусусида атрофлича фикр алмашдик.

Тадбирда Туркия савдо-саноат палатаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар кенгаши мавжудлиги, улар инвесторларга мамлакатимиздаги қонун-қоидалардан хабардорликларини таъминлаш учун кўмаклашишини билдирдик.

Умуман, кейинги пайтларда икки давлат турли расмий доиралари вакиллари, бизнес субъектлари ўртасида ўзаро борди-келди фаоллашди. Бундай ташрифлар, мулоқотлар, шубҳасиз, сиёсий, иқтисодий, маданий каби кўплаб соҳаларда Ўзбекистон ва Туркия манфаатлари учун хизмат қилади. Масалан, ўзаро савдо ҳажмида сезиларли ортиш кузатилмоқда. Келгусида бу ўсиш янада кучайиши шубҳасиз. Чунки Самарқанд ва Бухорога борганимда ана шу шаҳарлар мутасадди вакиллари билан учрашиб, англадимки, улар ҳам икки давлат муносабатлари ривожланишига ҳисса қўшиш учун катта хоҳиш-истак билдирдилар. У ерда мен билан кўришган ўзбек ва турк ишбилармонлари Туркия ва Ўзбекистон муносабатлари мустаҳкамланаётганидан беҳад мамнунлигини айтишди. Мана шу дўстона алоқалардан руҳланиб, бизнес вакиллари қандайдир лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш истагида эканликлари қувонарлидир. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Юртингизга сафаримиз чоғида расмий доиралар, масалан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ўтказган музокараларимиз ҳам самарали кечди. Шулардан хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик истиқболи учун муҳим пойдевор мавжуд.

*— Ўзингиз айтиб ўтганингиздек, Туркия парламентининг яқинда Ўзбекистонга ташрифи доирасида Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ҳам бўлдингиз. Сафар таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Бу худди мозийга қилинган саёҳатга ўхшарди. Мен Ўзбекистонга илк бор 2016 йилда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг ташрифи вақтида биргаликда боргандим. Аммо ушбу сафар вақти жуда тиғизлиги сабабли мамлакатингизни бемалол айланиш имкони бўлмаганди. Бу галги ташрифимизда Тошкент, Самарқанд ва Бухорога бориш имкони туғилди.

Биласизми, бобом раҳматли бизнинг аждодлар аслида Туркияга Бухородан келишгани ҳақида кўп гапириб берарди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон, Бухоро болалигимданоқ, айниқса, лицейда ўқиб юрган кезларимдаёқ эътиборимни тортарди, қизиқишимни орттирарди. Гоҳида харитадан қарардим. Бирор-бир хабарда Бухоронинг номи тилга олинса, у ҳақда нимадир дейилса, қалбимда бутунлай бошқача ҳис-туйғу уйғонарди.

Ўзбекистонга борганимда Бухорода қолиб, эрта тонгда турганимда "Ажабо, боболарим бу ернинг қаерида яшашган экан, Туркияга қачон кетишган экан?", дея ён-атрофга катта қизиқиш, ҳаяжон билан қарадим. Бу ҳолатни тасвирлаб бериш мушкул. Шу боис мен учун Бухоронинг қадри, аҳамияти бўлакча.

Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Исмоил Сомоний мақбараси ва бошқа диққатга сазовор жойларни зиёрат қилдик.

Самарқанд ҳам худди шундай — Ўзбекистоннинг гўзаллигини акс эттирадиган жой. У ерда Имом Бухорий, Имом Мотуридийни зиёрат қилдик. Бозорга бориб, ўзбек қардошларимиз билан кўришдик, самимий суҳбатлашдик. Неча юз йиллик тарихий бозор мисолида савдо-сотиқнинг қандай чуқур илдиз отгани ва мамлакатингизда ушбу анъаналар сақланиб қолганига гувоҳ бўлдик. Яна бир диққатга сазовор маскан Улуғбек расадхонасидир. У одамни лол қолдиради.

Бизнинг борди-келдиларимиз шундай давом этиши керак. Истардикки, юртдошларимиз Ўзбекистонни бориб кўришса, сизнинг мамлакат вакиллари Туркияни келиб тарихий бойликлари, гўзалликларидан баҳраманд бўлишса, қалбимиздан жой олган табаррук масканларни зиёрат қилишса, қандоқ яхши. Шундай эмасми? Ана шундай масканлар ҳам бизни бир-биримизга боғлаб туради аслида.

Мен Истанбулнинг Ускудар туманида истиқомат қиламан. Уйимдан тахминан 200 метр узоқда ўзбеклар маҳалласи мавжуд. Бу ерга улар бир неча юз йиллар аввал келиб жойлашишган. Яъни ўзбеклар билан қўшниман. Бу ҳақда Ўзбекистонга борганимда ҳам гапириб бергандим. Ана шу маскан тарихда Туркиянинг истиқлол йўлидаги курашларида муҳим ўрин тутган. Бугун ҳам у ерда ўзбеклар маҳалласи, деган ёзув туради.

Анадолуда гиламларнинг нақшига "Бухороча боқишли, Самарқандча нақшли" деган таъриф мавжуд. Кўряпсизми, биз ҳар жиҳатдан бир-биримизга яқин, илдизимиз бир халқлармиз. Биз хоҳлардикки, мана шу яқинлик изчил давом этсин.

Фурсатдан фойдаланиб, алоҳида таъкидлашни истардимки, икки дўст халқнинг бугунги муносабатлари кучайишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббускорлиги, қатъий хатти-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатдаги учрашувларимиз чоғида ҳам айтдим ва доимо шу фикримни билдиришдан чарчамайман.

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси, Ўзбекистоннинг эркин бозорга чиқиши, дунёга очилиши борасидаги фикрлари, саъй-ҳаракатлари шу табаррук заминнинг ёрқин келажаги, халқининг фаровонлиги учун қаратилгани билан диққатга сазовор. Мен Президентингиз мамлакатни юксак чўққиларга олиб чиқишига чин юракдан ишонаман.

Давлатимиз раҳбари Режеп Таййип Эрдўғоннинг ҳам Ўзбекистонга бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббати юксак ва буни ҳаммамиз яхши биламиз. Насиб қилса, ҳадемай Президентимизнинг юртингизга ташрифи амалга оширилади. Бу ташриф муносабатларни янада юқори поғонага олиб чиқишга ва ўзаро ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб беришга хизмат қилади.

Қисқаси, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий йўналишларда ҳамкорлик шундай ривожланиб, мустаҳкамланиб бораяптики, бундай қалин муносабатдан барчамиз мамнунмиз.

*— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.*

**«Халқ сўзи» махсус мухбири Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.**

**Туркия Республикаси, Анқара шаҳри**

Ўзбекистон — Туркманистон:

# Дўстлик ва аҳилликнинг ҳаётий ифодалари



*Айни пайтда "Халқ сўзи" махсус мухбири Одилбек ОДАМБОЕВ Туркманистон Республикасида хизмат сафарида бўлиб турибди. У илк таассуротларини қоғозга тушириб, таҳририятга йўллади. Қуйида ана шу материал билан танишасиз.*

Халқ сўзи Народное слово йўлланмаси билан

Туркман халқи биз учун нафақат ён қўшни — жон қўшни, балки қон-қардошимиз, яхши-ёмон кунларда елкадошимиздир. Ўзбек ҳамиша туркман биродарини "жигарим", деб ардоқласа, туркман ўзбекни "дўғоним", дея эъзозлайди.

Самимий, ширинсўз одамлари, донғи етти иқлимга кетган гиламлари, "Ахалтака" зотли учқур отлари билан машҳур туркман диёрига ижодий сафаримиз "Тошҳовуз" божхона масканидан бошланди. Тошҳовуз шаҳри пойтахт Ашхободдан 546 километр узоқда жойлашган. Кейинги йилларда бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Туркманистон қишлоқ хўжалиги институти, "Руҳият" саройи, Андалиб номидаги мусиқали драма театри, "Бахт саройи", "Тарих ва ўлкани ўрганиш музейи", "Гарашсизлик" стадиони каби қатор иншоотлар бунёд этилган. Тошҳовуз "Тарих ва ўлкани ўрганиш музейи" шаҳардаги энг диққатга сазовор масканлардан бири саналади. Биз ана шу масканларни айланиб, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдик. Кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдик. Бу ҳақда навбатдаги мақолаларимизда батафсил тўхталамиз.



"Туркманистон ҳаво йўллари"нинг замонавий самолётида кейинги манзил — Ашхобод томон парвоз қилдик. Эллик дақиқадан сўнг пойтахт аэропортига етиб келдик. 2016 йилда фойдаланишга топширилган, умумий қиймати 2,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Ашхобод халқаро аэропорти учишга чоғланаётган лочин тимсолида барпо этилган. Ўзига хос ушбу лойиҳа ҳар қандай меҳмон эътиборини тортади. Маълумотларга кўра, "ҳаво дарвозаси" соатига 1600 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Истиқлол йилларида Ашхобод замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашган гўзал шаҳарга айланди. Уни бежиз "Оқ мармар бинолар шаҳри" деб айтишмайди. Ҳудуд марказидаги Конституция ёдгорлиги, тоғ бағридаги телеминора, "Оғузкент" меҳмонхонаси, "Бетарафлик" монументи, "Бахт" саройи каби бинолар пойтахт кўркига кўрк қўшиб турибди.

1995 йил 12 декабрда Туркманистоннинг доимий бетарафлик мақоми тан олингани тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинган. Шу муносабат билан бунёд этилган "Бетарафлик" монументи энг маҳобатли ёдгорликлардан бири бўлиб, замонавий Туркманистоннинг ўзига хос тимсоли саналади.

Ашхобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бири улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталади. Буюк шоир даҳосига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида унинг салобатли ҳайкали ўрнатилган. Мазкур кўчада жойлашган "Илҳом" сайилгоҳида эса Марказий Осиёда илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган олиму фузалолар қаторида Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа буюк бобокалонларимиз ҳайкаллари қад ростлаган.

Умуман, Ашхободдаги сайёҳлар эътирофига сазовор бўлиб келаётган, замонавий шаҳарсозликнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, ноёб меъморий ечимга эга иншоотлар туркман халқининг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан дарак бериб турибди.

— Қўшни давлатлар, жумладан, Туркманистон билан дўстона алоқаларни кучайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида устуворлик касб этаётганидан минтақада яшаётган барча халқлар бирдек мамнун бўлмоқда, — дейди Туркманистон Мажлисининг халқаро ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, депутат Нури Комеков. — Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам йилдан-йилга ривож топмоқда. Президентимизнинг Ўзбекистонга режалаштирилган ташрифи ушбу дўстона алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ижодий сафаримиз режасидан туркманистонлик ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар ҳам ўрин олган бўлиб, мулоқотларимиз ниҳоятда жўшқин ҳамда мароқли кечмоқда.

— Замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг ижод намуналарини туркман тилида ўқувчиларимизга етказаяпмиз, — дейди "Дунё адабиёти" журнали бўлим муҳаррири Аннамуҳаммад Киршенов. — Яқин истиқболда юртингиздаги адабиётга ихтисослаштирилган нашрлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Бизнинг нашрда ўзбек адибларининг, сизнинг нашрларда туркман ижодкорларининг асарларини чоп этиб борсак, айни муддао бўларди.

Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурлари доирасида маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистонда ҳамда Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ҳамда форумларда фаол қатнашиб келаяпти. Жумладан, Ашхобод шаҳрида айни кунларда давом этаётган "Айдим-саз санъатининг қадимий чешмелари" деб номланган халқаро илмий анжуман ва фестивалда мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этишмоқда.

— Фестиваль доирасида Махтумқули номидаги миллий мусиқали драма театрида ўтказилган дўстлик концертида ўзбек санъаткорлари ижросидаги "Тоҳир ва Зуҳра" достонидан "Намасан" қўшиғи ҳамда "Хоразм лазгиси" томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди, — дейди Туркманистон Маданият ишлари вазирлигининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Билбил Бабаева. — "Санъат сарҳад билмайди", деганларидек, ўзбек қўшиқларининг туркман элида мухлислари кўпаймоқда, туркман қўшиқлари Ўзбекистонда севиб тингланаяпти. Бошқача айтганда, икки халқнинг яқин қўшничилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётир.

# Депутатлар жойларда Президент фармонлари ва қарорлари ижросини ўрганадилар

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бугундан бошлаб, аввалгиларидан фарқли равишда, янгича тартибда 10 кун давомида ҳудудларда фаолият олиб борадилар.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилишида айтиб ўтилди.

Тадбирда сиёсий партиялар фракциялари навбатдаги ўрганишлар давомида жойлардаги ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга бевосита кўмаклашиш билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижросини ҳам ўрганиш таклифи билан чиқдилар.

Кенгаш аъзолари ушбу масалани муҳокама этдилар. Президентимизнинг "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, "Мулкдорлар томонидан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан назоратни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг ижросини ўрганиш бўйича таклиф қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Кенгаш ишида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига ҳукумат аъзоларининг жавобларини эшитиш, яъни "ҳукумат соати"ни ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати Наманган вилояти туманларида оммавий қабул ўтказди.*

**ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ**

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида Президентнинг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхоналарига жами 2540 та мурожаат келиб тушган. Асосан, ер участкаси ажратиш, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти, коммунал соҳа, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ ушбу мурожаатларнинг 1149 таси жойида ҳал этилган бўлса, республика миқёсидаги идоралар ҳамда ташкилотларга тегишли ва ечими катта маблағ ҳамда вақт талаб қиладиган 439 та муаммо бўйича жараён давом этмоқда. 907 нафар мурожаатчига эса тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Мазкур йўналишдаги ишлар бир қарашда меъёрига солингандек кўринса-да, наманганликлар томонидан пойтахтга, хусусан, давлатимиз раҳбари Виртуал қабулхонасига қилинаётган мурожаатлар камайгани йўқ.

Шу йилнинг 18-19 апрель кунлари ўтказилган оммавий қабуллар чоғида вилоят фуқароларидан Виртуал қабулхонага йўлланган қатор мурожаатлар тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари иштирокида батафсил кўриб чиқилди. Жумладан, Чуст шаҳрида ташкил этилган оммавий қабулда Чуст, Поп ва Мингбулоқ туманлари фуқаролари томонидан қўйилган масалалар ечимига жавоб изланди.

— Ҳуқуқингни била туриб бузишса, одамга алам қилар экан, — дейди Мингбулоқ туманининг Бирлашган маҳалласида яшовчи Шодия Қодирова. — Икки ярим йилдан буён туман маданият бўлимида ишлаб келаман. Собиқ бошлиғим охирги пайтларда баъзи ҳамкасбларимнинг нотўғри гапларига асосланиб, мени ноҳақ ишдан бўшатди. Маҳаллий идоралардан нажот топмагач, Виртуал қабулхонага ёзишимга тўғри келди. Мана, бугунги оммавий қабулда мени қийнаб келаётган масалага нуқта қўйилди. Ишимга қайтадиган бўлдим.

Поплик Гулмира Усмонова ҳам аслида ечими унча мураккаб бўлмаган масалада турли идораларга бош суқиб келаётганлардан. Гап шундаки, турмуш ўртоғи билан ажрашган бу аёл ёлғиз фарзандининг таъминоти учун ажратилган алиментни ололмасдан, сарсон бўлаётган экан. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати вакиллари аралашуви билан Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ходимлари Г. Усмонова фойдасига 10 миллион 491 минг сўм алимент пулини тезкорлик билан ундириб берди. Умуман олганда, Чустда ўтказилган оммавий қабулда иштирок этган 123 нафар фуқаро томонидан кўтарилган муаммоларнинг 68 таси жойида қаноатлантирилди, 36 кишига ҳуқуқий тушунча берилди, 19 нафар мурожаатчининг аризаси эса ўрганиш учун қабул қилинди.

Тошбулоқ шаҳарчасида ташкил этилган оммавий қабулга Наманган шаҳри, Наманган ҳамда Тўрақўрғон туманларидан 157 киши ташриф буюрди. Улар томонидан киритилган меҳнат ва бандлик, ҳуқуқ идоралари фаолияти, соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал ҳамда уй-жой соҳаси билан боғлиқ масалаларга мутасаддилар томонидан ечим изланди. Таҳлиллар одамлар кўпроқ тураржой, хусусан, ер участкаси, кўп қаватли уйлардан хонадон олиш масаласида қийинчиликка дуч келаётганини кўрсатди. Бу масала, айниқса, Наманган шаҳрида ўткирлигича қолмоқда. Мисол учун, шаҳарнинг Обиҳаёт кўчасида яшаб келган тўрт аёл — Раъно Абдуллаева, Сожида Сатторова, Замира Сайдуллаева ҳамда Муҳаббат Умарова янги қурилишлар ҳисобига бузилган уй-жойлари учун адолатли ҳақ тўланмаётганидан шикоят қилишди. Устига-устак, янги уй қуриш учун ажратилган жойнинг узоқдалиги, ерининг захлиги уларни ташвишга солмоқда. Шаҳар ҳокими Ш. Абдураззоқов масалани пухта ўрганиб чиқиб, адолат жойида қарор топишини таъминлашни ўз зиммасига олди. Тўрақўрғонда эса Қаноат Турсунова янги қурилган тураржой биносидан олган хонадонига кўчиб кира олмай сарсон. Қурувчилар бу ерда ишни чала ташлаб кетишган экан. Муаммони туман прокурори ўз назоратига олди ва фуқаро тез кунлар ичида янги уйига кўчиб кирадиган бўлди.

Мурожаатлар орасида маҳаллий мутасаддилар бир оз жон куйдирса, жойида ечимини топиши мумкин бўлган масалалар ҳам анчагина. Масалан, мингбулоқлик Шаҳноза Мансурова муқаддам судланган ва жазони ўтаб қайтган турмуш ўртоғи О. Қовиновнинг ҳужжатлари ҳудуд профилактика инспектори томонидан бесабаб олиб кетилганлиги, бундан ташвишга тушганлигини айтади. Уни қабул қилган Ички ишлар вазирлиги кадрлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Махсумов масалага дарҳол ойдинлик киритди. Маълум бўлишича, О. Қовинов маъмурий назоратдан чиқарилган экан. Агар қонунни бузмаса, уни ҳеч ким безовта қилмаслиги тушунтирилди. Наманган шаҳрилик Мамасоли Асқаровнинг онаси Фарида Алимбаевани депортация қилмаслик борасидаги мурожаати ҳам қисқа фурсатда ҳал этиб берилди. Чунки яшаш жойи Қирғизистонда бўлган аёл Наманганда вақтинча рўйхатга қўйилган экан.

Оммавий қабул одамларимизнинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари ўзгариб бораётгани, чунончи, кўпчилик шахсий муаммолар билан ўралашиб қолмай, жамият манфаатини кўзлаган масалаларни ўртага ташлаётгани, тараққиётга хизмат қилувчи таклиф-мулоҳазаларни кўтариб чиқаётганини кўрсатмоқда. Тўрақўрғонлик Ҳожиназар Ҳодиназаров ўзи яратган "Боғбон" трайлерли занжирли минитрактори учун патент олишни мақсад қилган. Унинг изланиши тўлиқ қўллаб-қувватланди ҳамда ихтиросини нуфузли кўргазмаларда намойиш этиш имконияти яратиб берилди. Муаллифлик гувоҳномасига ҳам эга бўлди. Наманган туманининг Миришкор маҳалласида истиқомат қилаётган Моҳидил Дарвишева эса ногирон бўлган онаси ва укасининг даволаниши учун амалий ёрдам кўрсатилганидан мамнун. Камхарж оиланинг уй-жойи ҳам таъмирлаб бериладиган бўлди.

Айтиш жоизки, яқинда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллашишига хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди. Ватан равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигига дахлдорлик ҳисси ортиб, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ҳушёр муносабат туйғуси оммавий қабул жараёнидаги суҳбатларда ҳам яққол сезилиб турди. Шундай бўлиши табиий. Зеро, энди бефарқлик ўрнини жонкуярлик, фидойилик эгалламас экан, юксак марраларни кўзлаган мақсадимиз ижобати орқага сурилаверади.

Янгиқўрғондаги қабулга келган Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманлари, Учқўрғонга ташриф буюрган Норин, Уйчи, Учқўрғон туманлари фуқаролари ҳам тадбир ниҳоятда самарали ўтганидан қониқиш ҳосил қилдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбек ипаги:

# ИЛҒОР ЛОЙИҲАЛАР ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБА



Илгари фақат аслзодаю киборлар либоси саналган ипакли кийим-кечаклар бугун дунё аҳолисининг барча қатлами орасида урфга кирмоқда. Сабаби, ипакли матолар табиийлиги, киши танасига хуш ёқувчи майинлиги, энг асосийси, жозибали ранги билан харидорларни мафтун этади. Қолаверса, эндиликда унинг баҳоси ҳам у қадар қиммат эмас. Айни шу жиҳатлар ипакчилик саноатида бой тажрибага эга Ўзбекистон маҳсулотларига бўлган талабни тобора кучайтирмоқда.

XALQARO PRESS KLUB

Чиндан ҳам, "Ўзбекипаксаноат" уюшмасидан маълум қилишларича, юртимизда 2018 йилнинг биринчи чорагида 165 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 19,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 683,3 тонна хом ипак, 1034 минг погон метр ипакли газлама ишлаб чиқарилди. Шу даврда режадагига нисбатан 2,3 марта кўп, яъни 9,6 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди.

Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбек ипаги: янги ислоҳотлар давридаги муҳим вазифалар ижроси" мавзуидаги анжуманида тизимда қўлга киритилаётган шу каби ютуқлар, учраётган муаммолар, истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда пиллачилик ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли ўтган бир йил ичида мазкур соҳа қайта оёққа туриб, ривожланишнинг инновацион йўлига ўтди, — дейди "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Олимжон Жумаев. — 2017 йилда икки марта, жорий йилда эса уч марта ипак қурти парваришланиши чет эллик ҳамкорларимизда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки пилла етиштириш ҳажми ортиб, қайта ишлаш корхоналарининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлаш суръати тобора ортмоқда.

Таъкидлаш керакки, уюшма ташкил этилгунга қадар тизимдаги корхоналарни пилла билан таъминлаш даражаси 17 фоизга тушиб қолган эди. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 54 фоизга чиқарилгани қувонарли ҳол, албатта. Бундан ташқари, шу пайтгача пиллакашлик субъектларида фақатгина хом ипак ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда унинг қаторига ипак момиғи, тайёр мато ҳам қўшилди. Тез орада фойдаланишга топшириладиган янги қувватларда тут баргидан чой, ипак қурти ғумбагидан мой ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Умуман олганда, 2021 йилгача ипакдан камида 6 турдаги рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилади.

— Мода йўналишида ипакли газламалар билан ишлаш жуда осон, — дейди БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО)нинг Марказий Осиё бўйича менежери Анита Траваини. — Чунки унинг ёрқин ранглари, нафислиги ва ўта пишиқлиги ҳар қандай мавсумга мос либослар коллекциясини яратиш имконини беради. Шу боис кейинги пайтда Европада ипакли газламаларга бўлган талаб ортмоқда. Биз Ўзбекистонга келиб, унинг ушбу соҳада юксак салоҳиятга эга эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Соҳани ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш, бунинг учун бор билим ва тажрибамизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Ўзбекистон 2017 йилда БМТнинг Халқаро ипакчилик комиссиясига аъзо бўлиб киргани халқаро муносабатларга янгича маъно-мазмун бағишлади. Ҳозирги пайтда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси АҚШ, Австралия, Канада, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам, Жанубий Корея, Италия, Швейцария, Буюк Британия, Австрия, Венгрия, Словакия каби давлатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган бўлиб, биргаликда йирик лойиҳалар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Улар орасида, айниқса, Италия катта қизиқиш билдирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, ипакка энг катта қўшимча қиймат ушбу давлатда қўшилади. Жаҳон бозорига етказиб берилаётган ипакли маҳсулотларнинг салмоқли қисми ҳам унинг ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили экспорт ҳажми 1 миллиард евродан ошгани фикримиз тасдиғидир. Қизиқ жиҳати шундаки, бунинг учун зарур хом ашё Хитойдан олиб келинади.

— Бугун янги бозорларга кириш, ишончли ҳамкорлар топиш ҳаракатидамиз, — дейди Италиянинг "Ongetta" компанияси ижрочи директори Франческо Онжетта. — Ўзбекистон улар орасида етакчи бўлиши мумкин. Бу ерда ипакчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор савдо-сармоявий алоқаларни йўлга қўйишга ундамоқда. Биз юқори сифатли ўзбек ипагини харид қилиш, биргаликда қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишдан манфаатдормиз.

Халқаро синтетик ва ипак толалар саноати уюшмасининг президенти Гуидо Теттамантининг айтишича, бугун халқаро ҳамжамият ўзбек ипакчиларига катта ишонч билан қарашмоқда. Охирги йилда соҳада рўй берган ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар ипакчилик компанияларини ҳамкорликни йўлга қўйишга ундамоқда. Бу эса катта масъулият юклайди. Амалиётга инновацион ишланмалар, ноу-хауларни изчил татбиқ қилиб, фақат юқори сифатли маҳсулот етказиб беришни тақозо этади.

Айтиб ўтилганидек, Бухоро шаҳрида уюштирилган Ўзбекистон — Европа ипакчилик форуми ҳам ипакчилик жабҳасида халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда айни муддао бўлди.

Анжуман иштирокчиларига унинг доирасида асос солинган Европа ва Ўрта Осиё ипакчилик ассоциацияси, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) билан ҳамкорликда амалга ошириладиган "Ўзбекистон Республикаси ипакчилик секторида қўшилган қийматлар занжирини такомиллаштириш ва экспорт салоҳиятини кучайтириш: қишлоқ жойларда юқори қўшилган қиймат, янги иш ўринлари ва даромад манбаини яратиш" лойиҳаси ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Якунда таъкидланганидек, ушбу жабҳада эришилаётган натижалар, тўпланган амалий тажрибалар яқин қўшни ҳамда иқтисодий ҳамкор давлатларга татбиқ қилиниши мўлжалланаётгани диққатга сазовор.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

- ✓ *Ўзбекистонда жорий йилда уч марта ипак қурти парваришланиб, пилла етиштириш ҳажми янада ошади.*
- ✓ *2018 йилнинг биринчи чорагида 9,6 миллион АҚШ долларилик ипак маҳсулотлари экспорт қилинди.*
- ✓ *2021 йилгача ипакдан камида 6 турдаги рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилади.*



**ЭҲТИРОМ**

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бир гуруҳ нуронийларни Президентимиз томонидан таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари топширилди

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ таъсис этилган "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ҳамда бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишламайдиган, ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдида масъулият, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналар тақдирланади.

Жорий йилда республикамиз бўйича жами 873 нафар кекса авлод вакили кўкрагини ушбу юксак нишон безади.

— Ҳар ким кексайганда умр бўйи қилган меҳнатлари роҳатини кўрсин экан, — дейди I даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони соҳибаси Муборак Юнусхўжаева. — Кишининг кўнгли кўтарилиб, руҳи тетиклашади. Юртимизда биз, нуронийлар мана шундай бахтга муяссар бўлаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Тантанали маросимда I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" нишонлари ўз эгаларига топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари — Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Қ. Акмалов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Нарбаева сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ СИЙМО

*Чингиз Айтматовнинг эзгулик тараннум этилган баркамол асарлари, жўшқин ижтимоий фаолияти нафақат қирғиз эли, айни пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрлидир.*

*Чингиз Айтматов ҳамда Ўзбекистон мавзуи ўз мазмун-мундарижасига кўра, жуда хилма-хил ва ранг-барангдир. Ўзбек халқига меҳр қўйган улуғ ижодкор бизнинг ўтмишимизни ҳам, замонавий адабий жараёнимизни ҳам яхши биларди.*



**МУНОСАБАТ**

Чингиз оға доимо ижтимоий ҳамда адабий ҳодисаларнинг моҳиятини англаб олишга, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишга интиларди. У доимо янгилик изловчи, ҳаётдаги прогрессив ўзгаришларга пешвоз чиқувчи адибгина эмас, айни вақтда бутун истеъдодини, куч-қувватини ана шу янгиликларни, ҳаётдаги илғор тенденцияларни кенг оммалаштиришга сафарбар этган толмас курашчи, журъатли шахс эди. Бу ҳол уни, биринчидан, бадиий наср соҳасида юксак поғонага кўтарган бўлса, иккинчидан, атоқли жамоат арбоби сифатида танитди.

"Мен учун, — деб ёзган эди адиб, — давримиз санъатининг бош масаласи — бу ҳақиқий гуманизм масаласидир. Шубҳа йўқки, гуманизм ҳамиша, ҳамма даврларда ижтимоий фикрнинг нишони, муҳим аломати бўлиб келди; бироқ менимча у ҳозир, бизнинг давримизда янгича мезон, янгича аҳамият касб этаётир. Давримизнинг гуманистик прогрессив адабиёти инсонга унинг улуғворлигини, фақат ўз интеллекти ҳамда унинг ҳосилаларида кўринадиган улуғворликни эмас, балки инсонга хос барча хислат ва фазилатларнинг мажмуи бўлган, қадимда уни одамлар оддийгина қилиб "қалб" деб атаган нарсанинг улуғворлигини ҳамиша ҳурматлаш эслатиб туриши керак".

Президентимизнинг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улкан қирғиз адибига ўзбек халқининг чексиз ҳурмати ифодаси бўлди.

Қарорда таъкидланганидек, Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ҳамда осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган "ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ҳамда ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини юртимиз ҳамиша миннатдорлик билан эслайди.

Ёзувчи юртимизга турли муносабатлар билан тез-тез ташриф буюрар, адабий анжуманлар, кинофестиваллар, китобхонлар конференцияларида қатнашарди. Адибнинг деярли барча бадиий асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, неча ўн минглаб нусхада нашр этилган, халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Қардош халқ ёзувчилари орасида ҳали ҳеч бир ижодкорнинг асарлари ўзбек адабиётида бу қадар кенг шуҳрат қозонмаган, десак, муболаға бўлмайди.

Президентимизнинг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улкан қирғиз адибига ўзбек халқининг чексиз ҳурмати ифодаси бўлди.

Чингиз оға ўзбек халқининг шаънини, санъатини ҳамиша баланд тутиб, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборидан қувончга тўларди. У ўзининг қатор бадиий асарларида, хусусан, илмий-назарий, публицистик мақолаларида ўзбек халқи, унинг бой маданияти, адабиёти тарихига оид асарларни мамнуният билан тилга оларкан, қадим ўзбек маданиятининг Марказий Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадимги русга кўрсатган таъсири билан қиёслайди. Шунинг ўзи ҳам ижодкорнинг ўзбек халқига, унинг буюк маданиятига бўлган эҳтироми ва муҳаббатининг ёрқин далилидир.

Президентимизнинг қарорини ўқиб, ёзувчининг таржимони бўлганим учун ҳам беҳад қувондим. Чингиз Айтматовнинг ўзбек адабиёти ҳамда санъатининг йирик намояндалари билан яқин дўст бўлгани, ижодкорларни ўзаро ҳамкорликка ундагани юксак ибрат намунасидир.

Адиб Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултойида сўзлаб, маънавий бирлик, адабиётлар дўстлиги ҳақида ғоят куйинчаклик билан шундай деган эди: "Сир эмаски, авваллари биз, зиёлиларнинг борди-келдиларимиз, ижодий мулоқотларимиз яхши эди. Ютуқларимиз, ўй-хаёлларимиздан бохабар эдик. Декадалар, маданият кунлари ўтиб турарди. Энг яхши асарларимиз, романлар, қиссалар, драмалар, шеърий китобларни таржима қилардик. Киночиларимиз, рассомларимиз бир-бирларига жуда яқин эди. Эндичи? Буларнинг ҳаммаси деярли тўхтаб қолди. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан, ёш ўзбек адиблари ижодида қандай ютуқлар бор, улар не мавзуларни қаламга олмоқдалар, қандай янги йўналишлар мавжуд — бундан биз томондаги тенгдошларингизнинг хабари йўқ. Ва, аксинча, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмуни, ғоявий-бадиий савияси қандай — буни сизлар билмайсизлар. Бу кетишда бир-биримиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бир-биримизни танимай қоламиз. Бориб-бориб, бир-биримизга ишончсизлик, ҳадик кўзи билан қарай бошлаймиз. Мен асло бўрттираётганим йўқ. Бепарво юраверсак, бир-биримизга интилмасак, шу даражага тушишимиз аниқ. Бу — тузатиш қийин бўлган катта маънавий фожиа бўлади..."

Адибнинг жон куйдириб айтган ушбу сўзларида нақадар ҳақиқат мужассам эканини бугун барчамиз чуқур англаб етдик. Президентимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳил қўшничилик, ҳамжиҳатлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган сиёсати ўзбек ва қирғиз халқлари ҳаётида янги саҳифа очди. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий муносабатлар кучайиши билан бирга, маданий алоқалар ҳам изчил тараққий этиб бораяпти.

Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам халқларимизнинг бой тарихий мероси, тили, маданияти, қадриятлари асраб-авайланмоқда. Маданий, ижодий, жамоат ташкилотлари ҳамда уюшмалари ўртасида алоқалар қўллаб-қувватланаяпти. Ҳар икки мамлакатда ташкил қилинаётган маданият кунлари, кино ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари, адабиёт, санъат ҳамда фан арбоблари ижоди ва фаолиятига бағишланган тадбирлар ана шундан далолат беради.

Президентимиз қарорига мувофиқ, Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги юқори савияда нишонланиши бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номли хотира китоби чоп қилинади, адиб ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинади, асарлари янгидан саҳналаштирилади, хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига номи берилади, Паркент туманидаги 33-мактабда бюсти ўрнатилади, "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" мавзуида илмий конференция, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда таниқли шоирлар, ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ўтказилади.

Чингиз Айтматов бир суҳбатда "Адабиёт турли миллат ва элатларнинг бошини бириктиради, керак бўлса, қитъаларни қитъалар билан дўстлаштиради", деган эди. Ўз ҳаётини адабиётга, тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-оқибат, иноқлик каби эзгу ғояларни тарғиб этишга бағишлаган ушбу сиймо барчамиз учун ибрат тимсоли бўлиб қолади.

**Асил РАШИДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

**ЯНГИЛИК**

*Тўрақўрғон шаҳрининг Еттикон маҳалласида яшовчи 73 ёшни қарши олган Зоҳиджон ота Норматов узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилган. У айни чоғда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол. Гап шундаки, фахрий муаллим яқинда ўз хонадонида маънавият ва маърифат маскани ташкил этди.*

## Хонадонда маърифат маскани



Бу ерда кутубхона учун алоҳида хона ажратилиб, 2 мингдан зиёд номдаги адабиётлар жойлаштирилди. Маҳалла аҳли, хусусан, ёшлар бу ерда бадиий ва тарихий китоблар мутолааси билан банд. Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган бурчакдан унинг ўз даврида амалга оширган маърифий ишлари ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Тез орада яна 4 маҳалладаги хонадонларда шундай масканлар фаолият бошлайди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Диққат, эълон!**

## Ўзбекистонда XVI Экожурналистика Республика танлови

Экология соҳасида фаолият олиб бораётган журналистларнинг малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги муаммоларни ёритишда ОАВнинг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда 16 йилдан буён Экожурналистика Миллий танлови узлуксиз ўтказилиб келинмоқда.

2017-2018 йилларда Экожурналистика Республика танлови Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофоруми томонидан ўтказилмоқда.

Танловга **2017 йилнинг 1 майидан 2018 йилнинг 1 майига қадар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ҳамда эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади. Миллий танлов шартларига асосан, **"Телевидение"**, **"Радио"**, **"Босма ОАВ"**, **"Интернет"** йўналишларида ва **"Сув, бу — ҳаёт"** мавзуида махсус номинация бўйича ижодий ишлар қабул қилинади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Халқ сўзи" ҳамда "Народное слово" газеталари, "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб-саҳифалари Экожурналистика Республика танловининг ахборот қўмакчиларидир.

Танловга ижодий ишлар **2018 йилнинг 20 апрелидан 2018 йилнинг 20 майига қадар** Ўзбекистон экологик ҳаракатининг *(манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59-уй)* **info@eco.uz электрон почтаси** орқали қабул қилинади.

Ташкилий қўмита билан боғланиш: (0-371) 230-41-53, e-mail: info@eco.uz


## «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

**республикамизда экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида темир йўл транспорти орқали янги етиштирилган хўл мева ва сабзавотлар ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ташувлари амалга оширилганида чегирмалар қўлланилиши ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:**

**1.** Ўзбекистон ҳудудида янги етиштирилган хўл мева ва сабзавотлар ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт йўналишида ташилганида 50 фоизлик чегирма қўллаш тартиби ўрнатилган. Шунингдек, республика билан чегарадош темир йўл бекатларидан 200 километр узоқликда жойлашган темир йўл бекатларидан янги етиштирилган хўл мева ва сабзавотлар ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари рефрижератор секцияларда ташилганида қўшимча 30 фоизлик чегирма тақдим этилади.

**2.** Ўзбекистонда янги етиштирилган хўл мева ва сабзавотлар, картошка ҳамда товуқ гўштини қўшни Қозоғистон ҳудуди орқали олиб ўтиш учун транзит ташувларида 50 фоиз чегирма қўлланилиши тартиби ўрнатилган. Мазкур чегирмаларнинг тақдим этилиши «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти «Ўзтемирйўлэкспедиция» унитар корхонаси орқали амалга оширилади (Алоқа телефони: (0-371) 238-88-11. Факс: (0-371) 238-85-49. E-mail: info@uzbexzhd.uz), иш вақти — 9.00 дан 18.00 гача.

**3.** Россия Федерацияси ҳудудига янги етиштирилган хўл мева ва сабзавотлар рефрижератор вагонларда олиб кирилганда Россия давлати томонидан 50 фоизлик чегирма қўлланилади.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида батафсил маълумотлар олиш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш учун «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг минтақавий темир йўл узеллари таркибида махсус бўлинмалар ташкил этилган. Иш вақти — 8.00 дан 20.00 гача.

**Мурожаат учун телефонлар:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Тошкент МТУ: | (0-371) 299-95-44 | Қарши МТУ: | (0-875) 227-20-98 |
| Бухоро МТУ: | (+99898) 774-43-01 | Термиз МТУ: | (0-376) 222-24-00 |
| Қўқон МТУ: | (0-373) 543-12-45 | Қўнғирот МТУ: | (0-361) 312-18-43 |

3578/187


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
## «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ҳамда бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси** | (0-599) 846-84-04, 858-84-04, |
| Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи** | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) |
| Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-599) 871-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи** | |
| Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-599) 833-19-32, 890-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси** | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) |
| Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-599) 830-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси** | |
| Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-599) 869-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи** | |
| Нурафшон ш., Спорт к., 45-уй | (0-599) 858-06-80, 893-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси** Амир Темур к., 2-уй | (0-599) 871-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси** | |
| Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-599) 871-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси** | (0-599) 365-03-79, 365-03-84 |
| Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-373) 554-42-42 (соат 8.00 — 17.00) |
| | (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси** | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) |
| Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-590) 556-05-58, (0-599) 365-03-48 |
| **Иккинчи кабель участкаси** | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) |
| Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-599) 365-03-44, 365-03-46 |
| **Учинчи кабель участкаси** | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) |
| Наманган ш., Нурообод даҳаси, телеминора | (0-599) 323-60-68, 324-90-08 |
| **Тўртинчи кабель участкаси** | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) |
| Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-599) 900-09-45, 900-09-35 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси** | (0-599) 475-00-05, 474-10-09 |
| Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | (0-367) 227-16-20 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Техник ҳужжатлар гуруҳи** | (0-599) 473-97-99, (0-367) 225-49-05 |
| **Биринчи линия кабель цехи** | |
| Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (0-599) 474-11-49, (0-367) 227-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси** | (0-595) 510-10-04 |
| Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | |
| **Иккинчи линия техник цехи** | (0-599) 470-50-04 |
| Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | |
| **Учинчи линия техник цехи** | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-599) 474-60-63 |
| **Кабель участкаси** | (0-599) 475-95-99 |
| Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси** | (0-599) 599-01-99, 599-99-00, 599-01-66 |
| Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-366) 240-08-34 (соат 8.00 — 17.00) |
| | (0-366) 442-68-15, 240-08-33 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси** | (0-599) 707-05-54, 707-47-07 |
| Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-365) 221-81-96 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи** | (0-365) 223-38-37, 221-81-92, 228-53-22 |
| Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (соат 8.00 — 17.00), (0-599) 707-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси** | (0-599) 954-86-86, 955-08-78 |
| Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| | (0-599) 955-11-53, 955-68-19 |
| **Тўрткўл кабель участкаси** | |
| Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-599) 955-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси** | |
| Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-599) 955-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси** | |
| Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-599) 955-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси** | (0-595) 601-05-28, |
| Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси** | (0-599) 675-11-02, 678-88-20 |
| Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-376) 223-13-85, |
| | 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи** | (0-376) 224-07-65, (0-599) 378-01-64 |
| Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси** | (0-599) 665-05-41, 665-52-62 |
| Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи** | (0-375) 221-17-25,(0-599) 660-05-23 |
| Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | |
| **2-Линия техник цехи** | (0-595) 505-05-13, (0-599) 660-05-12 |
| Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси** | (0-599) 965-52-55, (0-362) 223-36-58, |
| Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-599) 965-28-78, 965-28-38 |
| | (0-362) 224-51-69 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси** | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01, |
| Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | (0-599) 750-08-38, 750-06-88, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи** | |
| Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-599) 750-02-42, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси** | |
| Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси** | |
| Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-599) 750-02-32, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси** | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |
| Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй | |

688/33


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.53 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6